# Кучь — адолатда

2013 йил
8 март,
жума
№ 10 (419)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Табиат уйғониб, тобора чирой очаётган мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Биз ҳаёт фалсафаси, маъно-мазмуни ва гўзаллигини биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўрамиз, аёл зотини Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг меҳрибонлиги, қалб саховати билан ҳар қайси оилани оила қиладиган, унга файзу тароват берадиган, фарзандларимиз юрагига ўз она юртига севги ва садоқат туйғусини сингдирадиган аёлларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларни ҳар қанча эъзозласак, арзийди, десам, ўйлайманки, бугун барча юртдошларимнинг кўнглидаги фикрларни ифода этган бўламан.

Қадрли опа-сингиллар!

Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намоён қиладиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-эътибор қозонади, десак, янглишмаган бўламиз.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни ҳар томонлама равнақ топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини биз ҳамиша миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Азалдан муҳтарама аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, шукроналик ва орасталик, рўзғорни, умуман, оила ҳаётини оқилона бошқариш фазилатлари энг юксак таҳсинларга сазовордир.

Айни вақтда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда — ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби турли жабҳаларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Соғлом она — соғлом бола" сингари бутун дунёда тан олинган дастурларимизни амалга оширишда опа-сингилларимизнинг ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қилаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада биргина мисол — мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани англатади, деб ўйлайман.

Албатта, биз опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклигини яхши тасаввур этамиз.

Юртимизда 2013 йилга "Обод турмуш йили" деб ном берганимиз ва шу асосда давлат дастури қабул қилганимиз замирида аввало ана шундай амалий ишларимизни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассамдир.

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоизга ошириш бўйича белгилаб олган режаларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йўлда яна бир салмоқли қадам бўлади.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби биз учун устувор бўлган вазифаларга алоҳида ўрин берилгани айниқса эътиборлидир.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт масканлари, коммуникация тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш, янги турар-жойлар, жумладан, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиш, катта ҳажмда ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласи ҳам, табиийки, эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллатиш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 баробар ошириш мўлжалланаётганини қайд этиш жоиз.

Бундай улкан режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 6 триллион 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётганининг ўзи бутун ҳаётимизни қамраб оладиган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни яққол ифода этади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингилларим, қадрли қизларим!

Айни шу дамларда қалбимда, юрагимда сизларга доимо сақланиб келаётган чуқур ҳурматимни изҳор этиб, бир фикрни билдирмоқчиман.

Аёл зотига, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар, ҳаётимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, беқиёс хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Яна ва яна бир бор сизларни баҳор ва нафосат айёми бўлмиш 8 март байрами билан самимий табриклайман.

Умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша толеингиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан шоду хуррамлик, қут-барака аримасин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## ОИЛАДА — ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА — ФАОЛ

### "Туркистон" саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, турмушимиз ободлиги ва фаровонлиги, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик ва осойишталик кўп жиҳатдан опа-сингилларимизга боғлиқ.

"Туркистон" саройида 7 март куни тантанали тадбир бўлиб ўтди. Саройга турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми иккинчи бетда)

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, интеллектуал ва маънавий ривожланиши, билим олиши ҳамда зарур касбларни эгаллаши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Обод турмуш йили" Давлат дастурида оилалар фаровонлигини, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу жараённи кенгайтиришга доир муҳим вазифалар белгиланган.**

### 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

## МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ КЕНГАЙМОҚДА

Давлат дастурининг еттинчи бўлимида оилани янада мустаҳкамлаш, оила ва жамиятда хотин-қизларнинг роли ҳамда мавқеини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзини намоён этиши ва уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Жамиятимизда аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, жисмонан соғлом, маънавий етук баркамол ёш авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли мамлакатимизда ушбу муҳим институтни мустаҳкамлаш, бунинг учун зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2013 йилда "Ёш оилалар учун тураржой" дастурини амалга ошириш давом эттирилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

*Islohot va samara*

## Ярашув — аҳиллик ва баҳамжиҳатлик йўли

**Инсонпарварлик тамойили — халқимиз азалдан улуғлаб келаётган қадриятлардандир. Айниқса, бағрикенглик, кечиримлилик, адашганга тўғри йўл кўрсатиш, йиқилганни суяш каби эзгу амаллар ҳаёт тарзимизга сингиб кетган. Истиқлол йилларида бундай хайрли анъаналар қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топди.**

(Давоми иккинчи бетда)

*Islohot va samara*

# Ярашув — аҳиллик ва баҳамжиҳатлик йўли



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

**"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонуннинг қабул қилингани суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган ислоҳот жараёнларини юқори босқичга олиб чиқди. Ушбу қонун ижроси бўйича ташланган қадамлар эса, давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш, хусусан, ярашув институтини жорий этиш соҳасида мамлакатимиз тутган йўл нечоғли тўғри ва мақбул эканлигини амалда исбот қилди. Ярашув институти жамиятдаги либераллаштириш жараёнининг таркибий қисмига айланди. Мазкур қонун амалиётга жорий этилгач, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларга тегишли тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жиноий хатти-ҳаракатларни туркумлаш, жазо тайинлаш ва уни ўташ қоидалари тубдан ўзгартирилди, аксарияти янгиланди, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари доираси кенгайтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган давр ичида ярашув институти мамлакатимиз, жумладан, вилоятимиз суд-тергов идоралари томонидан энг кўп ва мунтазам қўлланилаётган амалиёт турига айланди. Энг муҳими, ушбу институтни қўллаш доираси изчиллик билан кенгайиб бормоқда. Мазкур институт суд-ҳуқуқ тизимига тадбиқ этилганидан буён ўтган даврда вилоятимиз бўйича жами 4 минг нафардан зиёд киши суд ҳукмига мувофиқ тайинланиши мумкин бўлган жазодан озод этилди, уларга тааллуқли 3,5 мингдан кўпроқ жиноят иши ҳаракатдан тугатилди. Жиноят кодексининг янги $66^1$-моддасига кўра, ўз айбига иқрорлик билдирган, жабрланувчи билан ярашган, етказилган зарарни қоплаган шахслар жавобгарлик, хусусан, жиноий жазодан озод этилади ва судланмаган ҳисобланади.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи Ҳусниддин Саидов маст ҳолда машинани бошқариб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этади. Боғотлик Санобар Оллаберганова бунинг жабрини тортди. Хайрият, ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли С.Оллаберганова омон қолди. Қонунда бундай жиноий қилмиш учун муайян муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда тутилган. Бироқ мазкур хатти-ҳаракатни синчиклаб ўрганган биринчи босқич суди Ҳ.Бердиев қилмишига чин кўнгилдан иқрорлик билдиргани, жабрланувчи ва унинг оила аъзоларидан кечирим сўрагани, етказилган зарарни қоплагани ва жабрланувчи билан ярашгани туфайли уни жазога тортмасликни маъқул топди.

Шунингдек, фарзандлари таъминотидан бўйин товлаган Урганч тумани Юқорибоғ қишлоғида яшовчи Бекберган Жабборов, гурланлик Баҳром Жуманиёзов, урганчлик Хушнуд Аҳмедов, ўзганинг баданига гуруҳ бўлиб, жиддий шикаст етказган урганчлик Шерзод Эшчонов, Отабек ва Мансур Сафоевлар, ўзганинг мулкини ўғирлагани учун жавобгарликка тортилган шовотлик Рустам Бекчонов, қайнонасига қўл кўтариб, унга жароҳат етказган урганчлик Алишер Қаландаров, йўл-транспорт фалокати содир этган гурланлик Тўлқин Қурбонниёзов, Янгибой Жуманов, урганчлик Дилмурод Бекчоновлар ҳам пировардида қилмишлари моҳиятини англаб етишди ва қонуннинг ярашувга оид талабини тўлиқ адо этишди. Жабрланувчилар уларни кечириш юзасидан судга ариза билан мурожаат қилди. Юзага келган ярашув аҳди суд томонидан инобатга олинди. Айбланувчилар жазодан озод этилди.

Айтиш керакки, биргина 2012 йилда Хоразм вилояти бўйича жами 330 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган 316 та жиноят иши ўзаро ярашилгани, бинобарин, судланувчилар айбига иқрор бўлиб, қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлик билдиргани, етказилган зарарни қоплашгани, жабрланувчилардан кечирим сўрашгани муносабати билан ҳаракатдан тугатилгани ва судга тортилган айбланувчилар жазодан озод қилинганини эътиборга молик ҳол сифатида қайд этиш лозим.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 октябрь, 2004 йил 21 май ва 24 сентябрдаги қарорларида ярашувга оид масалаларни қонундаги адолат меъёрлари асосида ҳал этиш бўйича раҳбарий кўрсатмалар берилган. Жумладан, унда қайд қилинганидек, ярашув институтининг жиноят қонунчилигига киритилиши жиноий-ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришда самарали ва ишончли восита ҳисобланади. Мазкур институт жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кенгроқ қўллаш имконини яратди. Қонун ҳамда халқимиз хоҳиш-иродасига кўра, жорий этилган ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб, жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади. Шуни назарда тутиш лозимки, шахсни жиноий жазодан озод қилиш жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили ҳамда фуқаровий даъвогар ҳисобланган шахснинг ёзма шаклдаги аризаси асосида амалга оширилади. Ярашув тўғрисида иш юритиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига ҳам айнан улар эга. Қонунда ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, судланувчи эса, жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи босқич суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар бериши мумкинлиги назарда тутилган. Иш бўйича бир жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ва бир неча гумонланувчи, айбланувчи, судланувчилар бўлган тақдирда ҳам қонун жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг улардан айримлари билан ярашувга келиши мумкинлигини эътироф этади. Агар суд мажлиси давомида ярашув ёки айбга иқрор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек, содир этилган қилмишда янада оғирроқ жиноят белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд ишни умумий асосларда дастлабки тергов юритиш учун прокурорга мурожаат қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани, ярашув институтининг жорий этилгани демократик-ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти мустаҳкам қарор топишида алоҳида аҳамият касб этаётир. Чунки бундай имкониятлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаб, уларни жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, унинг ривожига ҳисса қўшишга рағбатлантирмоқда.

**Ҳасанбой МУҲАММАДЖОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судьяси*

# ОИЛАДА — ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА — ФАОЛ

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.



Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз билими ва қобилиятини намоён этиши учун кенг шароит яратиш борасидаги ишларни такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётир. Юртимизда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, аёллар, айниқса, ўсмир қизлар саломатлигига эътиборни кучайтириш, туғруқ ёшидаги аёлларни ихтисослаштирилган тиббий кўрикдан мунтазам ўтказиш, жамиятда "Соғлом она — соғлом бола" тамойилини кенг қарор топтиришга оид ишлар изчил давом этмоқда.

Таълим тизимининг барча бўғинларида жорий этилган "Ораста қизлар" тўгаракларининг фаолияти қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг жамият олдидаги ижтимоий масъулиятини ошириш, маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони маҳаллаларда хотин-қизлар билан ишлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига оид ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шароитлар яратиш, оғирини енгил қилиш, ўсмир қизлар соғлиги ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишга оид ишлар кўлами ортмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, санъат ва маданият, адабиёт йўналишида ўз тенгқурларига ибрат бўлаётган иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда қанот бўлмоқда. Йиғилишда жорий йилда Президентимиз қарорига биноан Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларга ушбу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Қизлари доимий меҳр-ардоқда, эъзозда бўлган, беғубор орзу-интилишларга қанот бағишлаётган шу муқаддас Ватанда туғилиб, вояга етганимдан фахрланаман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Жиззах давлат педагогика институти жисмоний маданият факультети 3-курс талабаси Ирода Матмуродова. — Юртбошимиз томонидан билдирилган бундай юксак ишонч ва эътиборга аъло ўқиш, ҳалол меҳнат билан жавоб бериш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари — Қорақалпоқ Давлат университети журналистика факультети 1-босқич талабаси Айшолпан Оразимбетова, Сурхондарё вилояти Ангор педагогика коллежи 3-босқич ўқувчиси Сарвиноз Шайдуллаева хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Зулфияхоним издошлари сафига қўшилган қизлар — Бухоро Давлат университети қошидаги академик лицейнинг 1-босқич ўқувчиси Нафосат Жўрабекова, Андижон вилояти Олтинкўл Агроиқтисодиёт коллежи 2-босқич ўқувчиси Саидабону Абдусаломова Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг "Мушоира" шеърини ўзбек ва инглиз тилларида ўқиб берди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Жавдат Иноғомов мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш борасидаги ишлар Ватанимизни янада обод этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилалар фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлаб, хотин-қизларни байрам билан табриклади.

Сарой фойесида миллий ҳунармандликни ривожлантиришга оид кўргазма ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
*ЎзА мухбири*

*Farmon va ijro*

# ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ САМАРАЛАРИ

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, хусусан, қулай ишбилармонлик муҳити аҳоли бандлигини таъминлаш, ички ва ташқи бозорга сифатли маҳсулот етказиб бериш кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган **"Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур фармон асосида Навоий вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишда электрон тизимга ўтиши, банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш, солиқ ва бошқа тўловларни амалга оширишнинг такомиллаштирилаётгани ишбилармонларга қатор афзалликлар яратмоқда, — дейди Навоий шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи Алижон Жумаев. — Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг ишлаб чиқаришдаги улуши ортиб бормоқда.

Навоий шаҳридаги "Навоий гўшт комбинати" масъулияти чекланган жамияти қисқа давр мобайнида истеъмолчиларга юқори сифатли колбаса ва гўшт маҳсулотлари етказиб берувчи етакчи корхоналардан бирига айланди.

— Айни пайтда корхонамизда 11 турдаги колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир, — дейди жамият раҳбари Қ.Жакеев. — Ўтган йили харидорларга бир миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердик. Даромадимиз 2011 йилга нисбатан 120 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда 16 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада тадбиркорларга яратилаётган қулай имкониятлардан фойдаланиб, маҳсулот турларини кўпайтириш, қўшимча тармоқларни ишга тушириш, пировардида, яна ўндан зиёд янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

— Тайёрланаётган маҳсулот сифати компьютер орқали бошқариладиган автоматик дастгоҳлар ёрдамида кузатиб борилади, — дейди корхона оператори Азим Остонов. — Бугун замонавий жиҳозларни самарали ишлатиш мутахассисдан зарур маҳорат ва малакани талаб этади. Шу боис корхонамизда ишлаш ниятида бўлган касб-ҳунар коллежларининг битирувчи ёшларини ўқув амалиёти даврида етарли кўникмага эга бўлишига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Доимий изланиш, буюртмачилар ва бозор талабини мунтазам ўрганиб бориш, ишлаб чиқаришни шундан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш мазкур корхона жамоаси эришаётган ютуқларнинг асосий омили бўлмоқда.

**Н.РАҲИМОВ,**
*ЎзА мухбири*

*Insonparvarlik tamoyillari*

# Зарарни

**Маълумки, тадбиркорлик фаолияти учун зарур ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган жойда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши кузатилади. Зеро, кичик бизнес мамлакат иқтисодий ривожини таъминлайдиган муҳим омилдир.**

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда бошқа соҳалар билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва эркинлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши натижасида барча шаклдаги мулк эгалари учун яратилган тенг шарт-шароитларнинг асл моҳияти тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш жараёнларини ривожлантириш шароитида хусусий мулк ҳимоясини янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини янада тўлиқ таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари амалиётга жорий этилди.

Бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, тобора ривожланаётган ва юрт равнақига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорларимиз қаторида айримларнинг фақат мўмай даромад орттириш илинжида турли қинғир кўчаларга бош суқаётгани кишини ажаблантиради.

Ҳаётий мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, Н.Абдувоҳидов (исм-шарифлар шартли) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида қурилиш иншоотлари ва бозор учун пишган ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Қурилиш комфорт" хусусий корхонасини ташкил этади. Н.Абдувоҳидов маҳсулот ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланса-да, буни яширишга уринади. У газ ҳисоблагични қонунга хилоф тарзда, ўзбошимчалик билан ўчириб, табиий газдан фойдаланиш тартибини қўпол равишда бузади.

"Андижонтумангаз" ходимлари томонидан корхонадаги газ ҳисоблагич текширилганда Н.Абдувоҳидовнинг қилмишлари ошкор бўлди. Текшириш вақтида корхона томонидан жами 566 минг 384 м/куб, яъни 61 миллион сўмлик газ ишлатилган бўлса-да, бу миқдор ҳисоботларда кўрсатилмагани аниқланди. Шунингдек, текширишлар натижасида 18 миллион сўмдан ортиқ солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, 7 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тўланмагани маълум бўлди.

*Huquqiy ma`rifat*

# Далиллар мақбуллиги — адолат мезони

**Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари миллий қонунчилигимизнинг асосини ташкил этади. Жумладан, Бош Қомусимизда эътироф этилганидек, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.**

Шу асосда жиноят қонунчилиги жавобгарлик асосларини, жиноий қилмишлар доирасини, уларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаб беради. Жиноят-процессуал қонуни эса, жиноят ким томонидан, қачон ва қандай ҳолатларда содир этилганлигини аниқлашни таъминлайди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, жиноий қилмиш исботлаш йўли билан аниқланади. Шу маънода исботлаш фаолиятининг тўлиқ ва малакали амалга оширилиши билан суд ҳукми ва бошқа қарорлар асослилиги ўртасида боғлиқлик мавжуд.

Жиноят содир этилган ёки содир этилмаганлиги, гумонланувчининг жиноятга дахли бор ёхуд йўқлиги, унинг айби қанчалик жазога лойиқлиги иш ҳолатлари, жумладан, мавжуд далилларни текшириш, баҳолаш, шунингдек, уларнинг мақбул, деб топилишига бевосита боғ-



ликдир.

Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Шундай экан, тергов идоралари ҳамда судлар ҳар бир жиноят иши юзасидан олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари, суд тергови давомида шахсни айбли, деб топиш учун қонунда назарда тутилган исботлаш воситаси — мақбул далиллар мажмуи етарли эканлигини текшириши керак.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли ҳолатлар хусусидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирда ишга алоқадор, деб эътироф этилади. Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли ҳисобланади.

Олий суд Пленумининг **"Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**-ги қарорининг 3-бандида маълумотлар тергов ва суд ҳаракати ўтказилмасдан ёки қонунда назарда тутилмаган манбаадан олинган бўлса, далил қонунга хилоф усул билан, яъни уни тўплаш юзасидан қонунда назарда тутилган қоидаларга амал қилинмаган ҳолда олинган бўлса, бундай далилларни қайд этишнинг процессуал тартиби бузилган бўлса, бундай далиллар номақбул деб топилиши кўрсатилган.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Э.Зиятовга оид жиноят ишини судда кўриш жараёнида фуқаровий даъвогарлар томонидан 2 дона «DVD» ва 4 дона «CD» сўзлашувлар ёзилган дисклар судга тақдим этилиб, уларни ашёвий далил сифатида эътироф этиш ҳақида илтимоснома киритилган.

Жиноят ишлари бўйича Косонсой туман суди мазкур дисклар Жиноят-процессуал кодекси талаблари ҳамда юқорида баён этилган Пленум қарорининг 2-бандига зид равишда қонунда белгиланган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлмаган шахслар томонидан олингани учун уларни далиллар мажмуига қўшмай қонуний ва асосли хулосага келган.

Таъкидлаш жоизки, номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, фақат мақбул далилларгина ишни адолатли ҳал этишга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, инсон, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади.

**С.МАМАДАЛИЕВА,**
*жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси*

---

**Ҳаётда бировнинг мушкулини осон қилиш, айниқса, муҳтож кишига қарз бериш аслида катта савоб ҳисобланади. Лекин баъзи одамлар қарзни олишга олади-ю, уни қайтаришга келганда ишни пайсалга солади.**

**Аслида қарз қарз шартномаси орқали берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Маълумки, фуқаролик ҳуқуқида икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини юзага келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувга шартнома дейилади.**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Қарз шартномаси

## қачон ва қандай тартибда тузилади?



Ҳар қандай шартнома юридик кучга эга бўлиб, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат учун муайян ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни юзага келтиради. Ўз навбатида, шартномаларда муайян натижага эришиш назарда тутилади. Масалан, олди-сотди шартномаси тузишдан сотувчининг мақсади товарини пулга алмаштириш бўлса, харидорнинг мақсади товарга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритишдир.

Қарз шартномасида эса, асосан қарз берувчи қарз олувчи ихтиёрига пул ёки миқдор ўлчовдаги бошқа мулкни беради. Қарз шартномасига кўра, олинган нарса қарз берувчига қайтарилиши лозим бўлиб, унинг тартиби ва муддати шартномада алоҳида қайд этилади. Агар шартномада қарзни қайтариш муддати кўрсатилмаган бўлса, у қарз берувчи талаб қилган вақтда қайтарилиши шарт.

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси агар қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилади. Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи муайян сумма, муайян миқдордаги ашёлар берганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб ўша суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига тенг ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, даъвогар В.Бисюкова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, С.Криворучко ундан 900 минг сўм қарз олгани, лекин яқин таниши бўлгани сабабли тилхат олмаганлигини билдирган. С.Криворучко ўз навбатида, бу пулни зарурат туғилганлиги сабабли олганлигини, молиявий аҳволи яхши бўлмаганлиги учун қайтара олмаётганини билдирган.

Судда жавобгар С.Криворучко даъвогардан 900 минг сўм қарз олинини тан олгани сабабли даъвогар В.Бисюкованинг қарзни тасдиқловчи ёзма далил тақдим этишига зарурат бўлмади. Фуқаролик кодексининг 109-моддасига асосан битимнинг оддий ёзма шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Шунга кўра, фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг 2013 йил 15 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилди.

Шунингдек, даъвогар Г.Ҳасанов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар М.Абдуллаева ундан 2011 йил 28 июнда бир миллион икки юз етмиш минг сўм қарз олганини, ўзаро келишувга асосан жавобгар унга июль ойидан бошлаб ҳар ойда 400 минг сўмдан бериб бориши кераклигини, бироқ қарз берганига олти ой бўлса-да, жавобгар сўзининг устидан чиқмаётганини билдирган. Шу боис у асосий қарз ва 250 минг сўм миқдорида маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, даъвонинг асосий қарз, банк фоиз ставкалари миқдорида қарзни ўз вақтида қайтармаганлиги сабабли фоизлар ва тўланган давлат божини ундириш тўғрисидаги қисми қаноатлантирилган бўлиб, маънавий зарарни ундириш қисми эса, қаноатлантирилмасдан қолдирилган. Чунки Олий суд Пленумининг **"Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги қарорининг 13-банди 3-қисмида қарз шартномасидан келиб чиққан мажбурият пул мажбурияти бўлиб, уни бажармаганлик учун жавобгарлик Фуқаролик кодексининг 327-моддасида белгиланганлиги сабабли қарз олувчининг шартнома бўйича мажбуриятни бузганлиги қарз берувчининг маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқини истисно этиши тўғрисида тушунтириш берилган. Шунга кўра, суд томонидан даъвогарнинг даъво талабларининг асосий қисми қаноатлантирилиб, даъвонинг маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги қисми рад этилган.

**З.АЛЛАБОЕВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг раиси*

---

**Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ишбилармонлик муносабатлари натижаси кўп ҳолларда шартноманинг қандай тузилгани ёки расмийлаштирилганига боғлиқ бўлади.**

*Qonun ko`magi*

# Шартнома шарти

## уни ўз вақтида адо этиш томонлар манфаатига хизмат қилади

Таъкидлаш жоизки, адлия идоралари томонидан шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида шартномаларни қонун талабига мос равишда тузиш ва уларнинг бажарилишини таъминлашга доир бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, 2012 йилда хўжалик юритувчи субъектларга 2012-2013 йиллар ҳосили учун тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан 510 мингдан зиёд шартнома тузиш учун зарур ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Ушбу шартномалар тўлиқ ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Шунингдек, адлия идоралари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномавий интизомни мустаҳкамлаш ва шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича мониторинг юритилиши устидан доимий назорат олиб бориш йўлга қўйилган.

Хусусан, тузилган шартномаларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги устидан тегишли назорат олиб борилиши натижасида шартномалар тузилиши бўйича 117 мингта, шартномалар бажарилиши бўйича 62,5 мингта қонунбузилиши ҳолати аниқланди.

Ушбу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан давлат идоралари ва хўжалик юритувчи субъектларга 12,3 мингга яқин



огоҳнома ва тақдимнома, 960 та кўрсатма киритилди.

Кўрилган таъсир чоралари натижасида 67,6 мингта шартномани қайта тузишга эришилди, давлат идоралари ва бошқа ташкилотларнинг 407 та қарор ҳамда ҳужжатлари бекор қилинди ҳамда ижроси тўхтатилди.

Шу билан бирга, айбдор мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича тегишли идораларга 429 та таклиф ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш бўйича 65 та таклиф киритилди.

Бундан ташқари фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб давлат идоралари ва хўжалик юритувчи субъектларга 965 та огоҳнома, 1 117 та тақдимнома ва судларга 27,5 миллиард сўмлик 7,5 мингдан зиёд даъво аризалари киритилди.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан "Хўжейли агротехсервис МТП" МЧЖдан фойдаланилган қишлоқ хўжалиги техникаси учун ижара тўлови — 7,7 миллион сўм ҳамда бой берилган фойда 45,5 миллион сўм "Арал Туран" фермер хўжалиги фойдасига ундириб берилди.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан вилоят адлия бошқармасининг даъво аризаси қаноатлантирилиб, "Лойқанд чинори" СИУдан шартномага асосан сув билан ўз вақтида таъминланмагани учун 10,9 миллион сўм етказилган зарар "Ёқубов" фермер хўжалиги фойдасига ундириб берилди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар шартнома орқали тартибга солинади. Шундай экан, шартнома шартларини ўз вақтида тўлиқ адо этиш томонлар манфаатига хизмат қилади.

**А.ТУРСУНОВ,**
*Адлия вазирлиги масъул ходими*

---

# ихтиёрий қоплаш

## қонуний енгиллик беради

Н.Абдувоҳидов бу қилмиши билан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди, 184-моддаси 2-қисми "б" банди ва 208-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва жавобгарликка тортилган.

Суд Н.Абдувоҳидовнинг қилмишидан пушаймонлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олди. Бинобарин, суд Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **"Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"**ги қарорининг 15-бандида назарда тутилган **"Судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш тавсия этилсин"**, деб белгиланган раҳбарий тушунтиришига асосланган ҳолда Н.Абдувоҳидовга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Жиноят кодексининг 50-моддасига кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири бу жиноят оқибатида етказилган зарарни ихтиёрий қоплашдир. Зарарни қоплаган айбдор ўз айбини англагани сабабли унга енгиллик берилади. Суд жараёнида жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш жабрланувчининг манфаатларига хизмат қилса, жазо тайинлашда судланувчига муайян енгиллик ва имконият беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган. Суд жараёнида жабрланувчи ва судланувчининг манфаатлари тўла инобатга олинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, адашганга тўғри йўл кўрсатиш, хатосидан тўғри хулоса чиқаришига имкон бериш инсонпарварликнинг амалий ифодасидир. Бундай бағрикенгликдан баҳраманд бўлган инсонлар эса, албатта, ҳалол яшаб, жамият ривожига ҳисса қўшишга интилади.

**Муроджон АБАБАКИРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Андижон тумани судининг раиси*

---

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

***— Айтинг-чи, хўжалик-процессуал ишларида процессуал ҳуқуқий ворис ҳам қатнашиши мумкинми?***

**Э.РАШИДОВ,**
Олтинсой тумани

— Хўжалик-процессуал кодексининг 39-моддасига мувофиқ, тарафлардан бири низоли ёки хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган тақдирда (қайта ташкил этиш, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, фуқаронинг ўлими ва бошқа ҳолларда) суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштириб, бу ҳақда ўз ажрими, ҳал қилув қарори ёки қарорида кўрсатади. Ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқий ворис процессга киришгунига қадар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлса, ҳуқуқий ворис учун ҳам шу даражада мажбурийдир.

**Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.**

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ КЕНГАЙМОҚДА

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**



Ҳудудларда банклар томонидан кўп қаватли тураржойларни қуриш учун кредит маблағлари, ёш оилаларга эса ушбу тураржойларни сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, аҳолига ипотека кредитларини ажратиш янада кенгаяди.

Давлат дастурида хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашга доир комплекс чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Масалан, асосан хотин-қизлар ишлайдиган ва раҳбарлик қиладиган кичик корхоналарга имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Шунингдек, сут ҳамда сут маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини харид қилиш учун ҳам имтиёзли кредитлар ажратилади ва бу оилавий бизнесни ривожлантириш учун катта рағбат бўлади. Тадбиркор хотин-қизлар бошланғич капиталини тўлдириш учун, фермер хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларини, айниқса, қишлоқ жойларда ўз ишини бошлаш истагидаги битирувчи қизлар ҳам имтиёзли кредитлар олиши мумкин. Бундан ташқари, маҳаллаларда аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш учун спорт-соғломлаштириш залларини ташкил этишда ҳам шундай молиявий ёрдам бериш кўзда тутилган. Тижорат банклари мутахассислари билан ҳамкорликда имтиёзли кредитлар олиш тартиби ва шартлари, улардан самарали фойдаланиш механизмлари ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилади.

"Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш" лойиҳаси ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга йўналтирилган. Уни амалга ошириш давомида 5 минг нафарга яқин фермер аёл ва тадбиркорга имтиёзли микрокредитлар ажратиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликда 6 минг нафар хотин-қизнинг бизнес кўникмалари ҳамда молиявий саводхонлигини ошириш бўйича туркум тренинглар ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг қатор туманларида хотин-қизлар учун мақсадли таълим дастурларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай машғулотлар пайтида улар иқтисодий билимини ошириб, бизнес-режалар ишлаб чиқишни ўрганади. Шу билан бирга, оила бюджетини шакллантириш ва тадбиркорлик фаолияти кўникмаларини эгаллаш бўйича "Ўз оилавий келажагингни режалаштир" мавзуида тренинглар ташкил этилади. Оилавий бизнесни йўлга қўйиш, фарзандлари бор ёш аёлларни 12 турдаги касб-ҳунарга ўқитиш бўйича ҳам тренинглар ўтказиш режалаштирилган.

Ушбу лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, авваламбор, қишлоқларда яшаётган хотин-қизларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Давлат дастурига мувофиқ, қишлоқ аҳолисининг ўзимизда ишлаб чиқарилган ва узоқ муддат фойдаланиладиган маиший техника ҳамда товарларни харид қилиши учун истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 марта кўпайтириш кўзда тутилган. Бу эса оилалар фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, жумладан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш, кундалик ҳаётини тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш доирасида жорий йилда ижтимоий ёрдамга муҳтож, турмуш қураётган ёшларга никоҳ тўйларини ўтказиш ва турмуш шароитларини яхшилашда ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларнинг ижодий ва ишбилармонлик салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бу мукофотга ўқиш, ижодий ва ижтимоий ҳаётда улкан муваффақиятларга эришаётган қизлар сазовор бўлмоқда.

Давлат дастурида иқтидорли ва фаол хотин-қизларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш, уларнинг серқирра қобилиятини янада кенг рўёбга чиқариш учун қатор тадбирлар режалаштирилган. Бу борада анъанага айланган "Йил аёли" миллий танлови, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари республика форуми ўтказилади, уларнинг шеърий тўпламлари чоп этилади. Иқтидорли ёш олима хотин-қизлар ва илмий тадқиқотчилар ўртасида "Илм юлдузлари" танловини ташкил этиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда юксак маънавиятли, ўз саломатлиги учун масъулиятли баркамол ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан жорий йилда болалар, ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тиббий маданият, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, экологик тарбия, оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари бўйича тушунтириш ишлари кучайтирилади. Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида "Ораста қизлар" тўгараклари фаолияти кенгайтирилади. Энг яхши натижа кўрсатган қизлар шу номдаги республика танловида қатнашади.

Давлат дастурида хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш вазифалари ҳам белгиланган. Масалан, жорий йилда 189 минг нафар қизга уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб қилиш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида спорт кийимлари ва анжомлари бепул тақдим этилади.

Ушбу барча чора-тадбирлар истиқлол йилларида жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини ошириш, салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш борасида амалга ошириб келинаётган комплекс ишларнинг мантиқий давомидир. "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз ривожланиши, барча жабҳаларни модернизация қилиш ҳамда янгилаш жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, ҳар бир оилада фаровонлик ва умуман, юртимиз равнақини юксалтириш бўйича яратилган механизм самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**ЎзА**

---

**Бу дунёда инсонни тўғри йўлдан адаштирадиган, уни турли хил кулфатларга дучор этадиган иллатлардан бири гиёҳвандликка рўжу қўйишдир. Гиёҳвандлик иллати нафақат инсоннинг соғлиғига путур етказади, балки жамият барқарорлигига ҳам жиддий хавф туғдиради.**

**Шу боис бу иллат узоқ йиллардан буён дунё жамоатчилигини қаттиқ ташвишга солиб келмоқда. Мамлакатимиз гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний олди-сотдисига қарши ҳамжиҳатликда курашиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясини ратификация қилган.**

*Giyohvandlik — asr vabosi*

# Тубанлик йўли

Шунингдек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонун бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Бундан ташқари Жиноят кодексининг 270-276-моддаларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Мамлакатимизда бу иллатга қарши қатъий чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай нафс қутқусига учган айрим кимсаларнинг бу разил қилмишга қўл ураётгани афсусланарлидир.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Бекмурод Кенжаев (исм-шарифлар шартли) ҳам осон пул топиш илинжида гиёҳвандлик моддалари савдосига қўл уради. "Ўхшатмасдан учратмас", деганларидек, унинг бу йўлдаги шериклари Давлатбой Собуров ҳамда Мавлон Шариповлар ҳам пул деса, ўзини томдан ташлайдиганлар тоифасидан эди.

Жазирама ёз кунларининг бирида Давлатбой таниши Бекмурод билан Тўрткўл шаҳрига йўл олади. Икковлон тўрткўллик Сотимбой Қўчқоровнинг уйига етиб борганида кун ярмидан оққан эди. Даврада "янги" бўлишига қарамасдан Сотимбой билан бир зумда тил топишган Бекмурод асл муддаога кўчади. У Сотимбойдан 0,5 грамм героин гиёҳвандлик моддасини сотиб олади. Шу зайлда Бекмурод ҳамда Сотимбойлар ўртасида ҳам ўзаро "яқинлик" пайдо бўлади.

Шундан сўнг Бекмурод Тўрткулга серқатнов бўлиб қолади. Шундай кунларнинг бирида Мавлон деган таниши ундан героин гиёҳвандлик моддаси топиб беришини сўрайди. Бекмурод эса, Сотимбой билан телефон орқали боғланаркан, 10 грамм героин гиёҳвандлик моддаси зарурлигини айтиб, уни Нукус шаҳрига олиб келишни тайинлайди.

Эртаси куни Сотимбой тўғри Бекмуроднинг уйига боради. Бекмурод ҳам Сотимбойни ҳурмат билан кутиб олади, дастурхон ёзилади. Шундан сўнг Бекмурод Сотимбойни Давлатбой билан бирга уйида қолдириб "мол"ни Мавлонга етказиш учун йўлга тушади. Белгиланган манзилда 10 грамм гиёҳвандлик моддаси 600 000 сўмга пулланади. Бекмурод уйига қайтиб келгач, "танти ҳамкор" Сотимбой унга "хизмат ҳақи" учун 100 000 сўм беради.

Айтиш керакки, қинғир иш ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Мавлон Давлатбойдан олган гиёҳвандлик моддасини таниши Азаматга пуллаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора вакиллари томонидан қўлга олинди.

Орадан бир кун вақт ўтди. Мавлон Шариповнинг қўлга олинганидан бехабар Бекмурод ҳамда Давлатбой хорижга жўнаш мақсадида Нукус аэропортига етиб боришади.

Аммо уларнинг сафарига шу ерда нуқта қўйилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан воқеа жойида, холис гувоҳлар иштирокида ўтказилган тинтув жараёнида уларнинг ёнидан 0,73 грамм героин гиёҳвандлик моддаси топилди.

Таъкидлаш жоизки, қонун ҳукмрон бўлган жойда ҳар қандай жиноят жазосиз колмайди.

Шу тариқа одамларнинг ҳаётини заҳарлаш эвазига бойлик орттиришни кўзлаган юқоридаги нобакор кимсаларнинг кирдикорларига ҳам чек қўйилди. Уларнинг ҳар бирига жиноят ишлари бўйича Кегайли тумани суди томонидан тегишли жазо тайинланди.

Худбинлик, тубанлик йўлини тутиб, кимларнингдир соғлиғига завол бўладиган оғуни сотиш орқали даромад орттиришдан тап тортмаган жиноятчилар фарзандлари, неваралари ардоғида роҳатда яшаш ўрнига энди панжара ортида ўз қилмиши жазосини ўтайдиган бўлишди.

Хулоса шуки, ҳаёт инсонга берилган тенгсиз инъомдир. Шундай экан, ҳар ким беназир ҳаёт қадрига етиши, унинг ҳар бир лаҳзасини мазмунли ўтказиши, эзгу ва савоб ишлари билан ўзидан яхши ном қолдириши ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Эльберт ЕСЕНБАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Кегайли тумани судининг раиси*

---

*G'aroyib olam*

***Кўп йиллардирки, АҚШнинг Калифорния штатидаги "Ўлим водийси"да ғайриоддий ҳодиса кузатилиб келинади. Гап шундаки, бу водийда улкан тошлар ўз-ўзидан, ҳеч қандай ташқи кучлар таъсирисиз қуриб қолган кўл тубига қараб ҳаракатланади. Аммо уларнинг қай тариқа "юриши"ни ҳеч ким кўрмаган. Қизиқ, ўз ортидан ўнлаб метрга чўзилган из қолдириб, худди жонли махлуқотлар сингари ҳаракатланадиган бу жонсиз нарсалар нимадан куч олади?***

# Биз билган ва билмаган дунё

## ТАБИАТДАГИ СИРЛИ ТОШЛАР

Сирли тошларга чизги беришдан олдин, келинг, "Ўлим водийси"даги ўша сувлоқ — Рейстрэк Плайя (Racetrack Playa) кўли ҳақида икки оғиз сўз юритсак. Кўлнинг номи иккита, бир-бирига деярли алоқаси йўқ сўзнинг жуфтлашишидан юзага келган. "Racetrack" инглиз тилида "пойга йўли", "playa" эса, испан тилида "қирғоқ" маъносини англатади.

Кўл номидаги "қирғоқ" сўзини озми-кўпми тушуниш мумкин. Чунки Америкада ёмғир суви тўпланиши натижасида кўлга айланган пасттекисликларни "playa" деб аташади. Сув чекиниб, кўл майдони қисқариб бориши билан унинг атрофида қирғоқ ҳосил бўлади. Сувлик бутунлай қуриб битгач, кўлдан фақатгина қирғоқ ёдгорлик бўлиб қолади.

Аммо "пойга йўли"га изоҳ бериш мушкул. Таъкидлаш керакки, Рейстрэк-Плайянинг лойли туби деярли доимо тақир бўлиб, у ерда бирон-бир гиёҳ ҳам ўсмайди. Чор тараф ўргимчак тўрига ўхшаб бир-бирига туташиб кетган қинғир-қийшиқ олти бурчакли ёриқлар билан қопланган. Узоқ йиллардан буён одамларни ҳайратга солиб келаётган мўъжизавий тошлар айнан шу гўшани ватан қилган.

Оғирлиги ўттиз килогача бўлган бу палахсалар курраи заминдаги бошқа тошлардан тамоман фарқ қилади. Улар вақти-вақти билан ўз манзилини ўзгартириш пайига тушади ва ортидан чуқурлиги бир неча сантиметр келадиган из қолдириб ўнлаб метр "йўл босади".

Гарчи ўтган асрнинг 40-50 йилларида тошларнинг траекториялари тадқиқ қилинган илк илмий ишлар юзага келган бўлса-да, уларнинг ҳаракатланиш табиатини билишга ёрдам бермади. Бу борадаги фикрлар қанчалик турфа хил бўлмасин, олимлар бу ажабтовур феномен "Ўлим водийси"да камдан-кам кузатиладиган кучли ёмғир, шунингдек, ундан кейин бошланадиган тошқин ва бошқа ҳодисалар билан боғлиқлигини бир овоздан ёқлашарди.

Бундан ташқари тошларнинг ҳаракатланиши ҳақидаги фикрларнинг бошқа умумий жиҳатлари ҳам йўқ эмасди. Чунончи, тошларни ўрганган тадқиқотчилар лойгарчиликка муқаррар дахлдор бўлган бир неча омилни ажратганлар.

Биринчидан, тош тагининг жуда сирпанчиқлиги, содда қилиб айтганда, чанг билан қопланганлиги. Қолаверса, тош ортидан қоладиган из тўғри бурчакка эга бўлганлигидан билиш мумкинки, ер дастлаб юмшоқ бўлган ва кейинчалик қуриган. Лекин сирпанчиқ асос фақатгина ҳаракатланиш гаровидир. Сирпанчиқ лойда ётган тошнинг "юриши"га эса шамол ёрдамлашган.

Бир қарашда бу тахмин тошлар сирини очиб беради. Шунга қарамай, шамол ҳақидаги фикрни барча бирдек қувватламади. Хусусан, Мичиган университети геологи Жорж Стэнли тошлар ҳаво массалари ҳаракатга келтирадиган даражада енгил эмаслигини билдириб, юқоридаги қарашни буткул инкор қилди.

Тадқиқотчилар тошлар қимирлашини ер силкиниши билан боғлашга ҳам уриниб кўришди. Бироқ бу фикр ҳам тезда йўққа чиқди. Боиси бу ҳудудда сейсмик фаоллик жуда кам кузатилади.

1972 йилда Калифорния технология университети олими, Ер ва Марс сатҳи геологияси эксперти сифатида ном қозонган Роберт Шарп талабаси Дуайт Кэри билан бирга мазкур ғайриоддий ҳодиса борасида бурилиш ясади. Улар олти йил мобайнида тошлар ҳаракатланишини кузатиб, жуда кўп маълумотларга эга бўлишди.

Тўпланган маълумотларни таҳлил қилган Шарп ва Кэри ҳақиқатга бирмунча яқин (агар шундай деб аташ мумкин бўлса) моделни яратишди. Унга мувофиқ, ёмғир мавсуми кўл тубида сув тўпланишига олиб келади, шунингдек, теварак-атрофдаги тоғлардан ҳам унга катта миқдорда сув келиб тушади.

Бу ҳолат сув тошқинларига сабаб бўлади. Тошқинлар туфайли қаттиқ ер юмшаб кетади ва ишқаланиш коэффициенти пасаяди. Вақт ўтиши ҳамда шамол таъсири натижасида ҳатто оғирлиги 350 килограммча келадиган энг йирик тош ҳам жойидан қимирлаб, ҳаракатланиши мумкин.

Шарп ва Кэрининг фикрларига кўра, тошлар ҳаракати тошқин даврида эмас, балки ундан кейин бошланган. Чунки ернинг бутунлай қуруқланиши учун бир муддат ўтиши зарурдир.

1993 йилда "Ўлим водийси"га Сан-Хосе университети профессори Паула Мессина жуда қизиқиб қолди. У ҳатто тошларни раққосларга қиёслади. Мессина бошқа олимлардан фарқли равишда эътиборини Рейстрэк-Плайя тубидаги атмосфера-геология шароитига қаратди. Олиманинг ўрганишлари охир-оқибатда бутун бошли диссертация бўлди!

У тошлар бир хил ҳаракатланмаслигини аниқлади. Бундан ташқари нақ 162 та тошнинг жойлашув ўрнини ўрганган Мессина уларнинг шакли ҳам, ҳажми ҳам силжишда роль ўйнамайди, лекин Рейстрэк-Плайянинг қайси қисмида макон топиши ҳаракатланишда аҳамиятга эга, деган хулоса чиқарди. Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган режага мувофиқ кўл устидаги шамол жуда мураккаб шаклда ҳаракатланади.

Бўрондан кейин у иккита оқимга бўлинади. Бу, албатта, Рейстрэк-Плайя атрофидаги тоғлар кесимининг ўзига хослиги билан тавсифланади. Шамолнинг турли йўналишдалиги учун кўлнинг ҳар хил жойларида қўним топган тошлар ҳам, табиийки, бир-бирига ўхшамаган ҳаракатда бўлади. Шамол марказида эса, митти торнадо юзага келиб, у ердаги тошлар ҳам унга мос равишда айланади.

Лекин профессор Мессина тошлар жойлашувини муттасил ўрганишига қарамай кўплаб саволларга жавоб тополмайди. Чунончи, нега айрим тошлар ҳаракатланади-ю, бошқалари эса йўқ? Бу ҳолат сув қайтганидан кейин ернинг айрим жойлари бошқа жойларига нисбатан қуруқроқ бўлишига алоқаси борми? Шамол тор йўналишда ҳаракат қиладими ёки кенг йўналишда? Бу тошларга қандай таъсир қилади? Яна асосий масалалардан бири — тошларнинг қачон, яъни ёмғирлар мавсумидами ёки ёз ойларида кўпроқ ҳаракатда бўлиши ҳозирги пайтга қадар аниқланмаган. Ҳа, бу кўҳна дунёда сирли воқеа-ҳодисалар жуда кўп. Рейстрэк-Плайя кўлидаги тошларга ўхшаган синоатлар қанчалик кўп бўлмасин, олиму мутахассисларнинг бетиним изланишлари, тадқиқотлари вақти келиб, ўз мевасини беради.

**Интернет материаллари асосида Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ тайёрлади.**


**КУЧ—АДОЛАТДА**

*МУАССИС:*
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

*Бош муҳаррир:*
**Шодикул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯХЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
**E-mail:** kuch-adolatda@mail.ru
**Тел.:** (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-316. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9051.
1 2 3 4 Топшириш вақти: $22^{00}$ Топширилди: $23^{30}$